



ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИДА ИДОРАЛАРАРО  
ҲАМКОРЛИК БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ МОДЕЛЛАР:  
ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ ВА МИЛЛИЙ АМАЛИЁТГА  
ИМПЛЕМЕНТАЦИЯ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Мухаммадалиев Зухриддин Хабибулло ўғли,

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети

мустақил изланувчиси.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19496880>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 5-aprel 2026 yil  
Ma'qullandi: 6-aprel 2026 yil  
Nashr qilindi: 10-aprel 2026 yil

KEY WORDS

хорижий тажриба, идоралараро ҳамкорлик, йўл ҳаракати хавфсизлиги, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, имплементация, ваколатлар тақсимоти, маълумотлар интеграцияси, рискка асосланган бошқарув, KPI ва аудит, Vision Zero.

ABSTRACT

Мақолада йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда идоралараро ҳамкорлик соҳасидаги хорижий тажриба қиёсий-ҳуқуқий ва институционал ёндашувлар асосида таҳлил қилинади. Тадқиқотда турли мамлакатлар амалиётида қўлланилаётган мувофиқлаштириш моделлари, ваколатларни тақсимлаш механизмлари, маълумотлар интеграцияси, рискка асосланган бошқарув, самарадорликни баҳолаш (KPI, аудит) ҳамда "Vision Zero" каби натижага йўналтирилган сиёсаларнинг амалий аҳамияти очиқ берилди. Шу билан бирга, хорижий инструментларни миллий шарт-шароитга қўчиришда учрайдиган ҳуқуқий ва ташкилий чекловлар — норматив мослик, институционал тайёргарлик, ресурс таъминоти, ахборот хавфсизлиги ва шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш каби омиллар баҳоланади. Муаллиф миллий амалиётни такомиллаштириш учун "ягона бошқарув контури"ни шакллантириш, регламентларни аниқлаш, идоралараро маълумот алмашинувини стандартлаштириш ва профилактика маданиятини кучайтиришга қаратилган имплементация йўналишларини асослайди. Мақола хулосалари қонунчиликни такомиллаштириш ва амалиётда мувофиқлаштириш самарадорлигини ошириш учун илмий-амалий асос вазифасини бажаради.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида барқарор натижага эришишнинг ҳал қилувчи омили — турли давлат органлари ва ҳамкор субъектларнинг мувофиқлашган ҳаракатидир. Бироқ амалиётда ваколатлар такрорланиши, маълумот алмашинувининг парчаланганлиги ва ягона стандартлар етишмаслиги тизим самарадорлигини пасайтиради. Шу сабаб хорижий мамлакатларда шаклланган идоралараро ҳамкорлик моделлари, рискка асосланган бошқарув, рақамли мониторинг ва натижадорлик

мезонлари (KPI) каби инструментларни қиёсий ўрганиш, уларни миллий шарт-шароитга мос имплементация қилиш истиқболларини белгилаш долзарб аҳамият касб этади.

Сўнгги йилларда янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар доирасида аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш ҳамда жамиятимизда қонунга итоаткорлик ва жамоат хавфсизлиги маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги ишларни “Халқ манфаатларига хизмат қилиш” тамойили<sup>1</sup> асосида ташкил этишнинг мутлақо янги механизм ва тартиблари жорий этилиб, давлат органларининг жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро мақсадли ҳамкорлиги йўлга қўйилди десак ҳеч муболаға бўлмайди.

Шу ўринда, жаҳонда кучайиб бораётган турли хавф-хатар ва зиддиятлар, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигига таҳдидлар, пандемия, табиий ва техноген офатлар масъул давлат тузилмаларига ўз фаолиятини “Барча саъй-ҳаракатлар инсон қадри учун”<sup>2</sup> деган устувор ғоя асосида янада такомиллаштириш давр талабига айланмоқда. Бугунги кунда, мамлакатда Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”<sup>3</sup>ги, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”<sup>4</sup>ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепциясида<sup>5</sup> белгиланган вазифалар ижросини ташкил этиш шунингдек, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасини илмий тадқиқ қилиш бўйича фаолиятни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ҳамда жиноятларнинг омилларини ўз вақтида бартараф этиш орқали уларни барвақт олдини олиш натижадорлигини ошириш мақсадида Президент Ш.Мирзиёевнинг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасини илмий тадқиқ қилиш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-10-сон Фармони<sup>6</sup> қабул қилинганлиги фикримиз тасдиғидир.

Ҳақиқатдан ҳам, мамлакатда ҳар қандай соҳанинг ривожини илмий тадқиқотларсиз тасаввур этиш қийин. Чунки, илмий изланишлар жараёнида нафақат соҳанинг тараққиётига ўз ҳаётини бағишлаган ҳорижий олимларнинг илмий-назарий қарашлари, балки ривожланган давлатларнинг илғор тажрибасида белгилаб қўйилган меъёрларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш асосида пухта таклифлар ишлаб чиқиш имконияти яратилади.

ACADEMY

<sup>1</sup> Ш.Мирзиёев “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ни ПФ-27-сон Фармони // <https://lex.uz/docs/5749291>

<sup>2</sup> Ўша манбаа: учинчи хат боши // <https://lex.uz/docs/5749291>

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги № ЎРҚ-576-сон Қонуни // <https://nrm.uz>

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги № ЎРҚ-371-сон Қонуни // <https://www.lex.uz/acts/2387357>

<sup>5</sup> *Изоҳ:* Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон Фармонининг “Концепцияни амалга ошириш механизмлари” деб номланган 3-боб, 19-бандида “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш” деб номланган устувор вазифа

<sup>6</sup> Ш.Мирзиёев “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасини илмий тадқиқ қилиш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-10-сон Фармони

Хусусан, 2024 йилда Ўзбекистонда 9364 та йўл транспорт ҳодисалари қайд этилган бўлиб<sup>7</sup>, шундан 3045 та ҳодиса (32,5%) юк машиналар ва йўловчи ташувчи транспортлар иштирокида содир бўлган. Ўтказилган таҳлилларга кўра, йўл транспорт ҳодисаларининг деярли ярми “дамас” русумидаги автомашина иштирокида содир этилган. Шунингдек, 47,1 фоиз йўл транспорт ҳодисаси сабаби айнан ҳайдовчиларнинг пиёдаларга йўл бермаслиги,

22,8 фоизи белгиланган тезликка риоя этмаслик ва 3,7 фоиз (351 та) йўл транспорт ҳодисасининг асосий сабаби ҳайловчиларнинг бошқарув вақтида ухлаб қолиши бўлиб, оқибатда 189 киши ҳалок бўлган<sup>8</sup>,

**Маълумот учун**, 2024 йилда содир этилган жами йўл транспорт ҳодисаларининг 1592 (52,3 фоиз) та ҳодиса айнан жамоат транспорт воситаси сифатида кенг фойдаланиладиган “дамас” русумли автомашинага тўғри келса, 558 та (18,3 фоиз) ҳодисалар юк транспорт воситаларига,

137 та ҳодисалар (4,5 фоиз) жамоат транспорти ҳисобланган автобуслар томонидан ҳамда 29 та ҳодиса (0,95 фоиз) эса айнан микроавтобус русумли транспорт воситалари иштирокида содир этилган. Мазкур йўл транспорт ҳодисаларини содир этган айбдор шахсларнинг жинси бўйича таҳлил қилинганда энг юқори кўрсаткич эркак жинсига (6895 та ҳодиса) тўғри келган<sup>9</sup>. Мазкур кўрсаткичлар ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганда биргина Тошкент шаҳрининг ўзида 1280 та йўл транспорт ҳодисаси қайд этилган бўлиб, шундан 91 киши вафот этган<sup>10</sup>.

Бугунги кунда Янги Ўзбекистонда йўл-транспорт ҳодисаларига оид статистик маълумотлар барқарор равишда юқори кўрсаткичларда сақланиб келмоқда. Бу ҳолат нафақат аҳоли ҳаёти ва соғлиғи учун жиддий хавф туғдирадиган ижтимоий-иқтисодий муаммо сифатида, балки мамлакатнинг халқаро имижига ва сайёҳлар хавфсизлигига нисбатан ишонч даражасига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Йўл ҳаракати соҳасида юзага келаётган муаммоларга:

*биринчидан*, транспорт инфратузилмасидаги камчиликлар;

*иккинчидан*, ҳаракат иштирокчиларининг ҳуқуқий онги ва маданиятининг пастлиги;

*учинчидан*, идоралар ўртасидаги ҳамкорликнинг етарлича самарали ташкил этилмаганлиги билан боғлиқ десак ҳеч муболаға бўлмайди.

Шу сабабли, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида амалга оширилаётган ислохотларни янада самарали ташкил этиш, давлат ва жамоат тузилмалари ўртасидаги идоралараро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, шунингдек, илғор хорижий тажрибалар ва халқаро стандартлар асосида замонавий профилактик механизмларни жорий этиш долзарб вазифалардан бирига айланмоқда. Айни вақтда ривожланган давлатларда ўзоқ йиллардан бери йўл-транспорт ҳодисаларини камайтириш мақсадида самарали илмий изланишлар олиб бораётган P. Elvik<sup>11</sup>, D. Wegman<sup>12</sup>, Y. Hayashi<sup>13</sup>, K. Machata<sup>14</sup> каби

<sup>7</sup> [https://www.youtube.com/watch?v=Wz97g2Na\\_Rs](https://www.youtube.com/watch?v=Wz97g2Na_Rs) ёхуд <https://www.gazeta.uz/uz/2025-01/24/road-accident-2024/>

<sup>8</sup> <https://www.gazeta.uz/oz/2025/02/26/yth/>

<sup>9</sup> Очик маълумотлар портали // <https://data.egov.uz/uzbKr/data/6107bba62a2e256d-868e8670>

<sup>10</sup> [gazeta.uz // https://www.gazeta.uz/uz/2025/02/13/road-accidents/](https://www.gazeta.uz/uz/2025/02/13/road-accidents/)

<sup>11</sup> *Маълумот учун*, Rune Elvik йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича халқаро даражада тан олинган норвегиялик олим бўлиб, у кўп йиллардан буён Норвегия давлатининг “*Institute of Transport Economics*” номли транспорт иқтисодиёти институтида илмий изланишлар олиб бормоқда. Унинг тадқиқотлари йўл-транспорт ҳодисаларининг сабаблари, уларнинг олдини олиш стратегиялари, хавфсизлик чора-тадбирларининг самарадорлигини баҳолаш методологиясига бағишланган // Elvik, R., Høyе, A., Vaa, T., & Sørensen, M. (2009). *The*

таниқли халқаро олимларнинг илмий-назарий қарашларини таҳлил қилиш ва уларни миллий амалиётга татбиқ этиш илмий ва амалий нуқтаи назардан муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда.

Шу ўринда, Р. Elvik ўзининг кўплаб тадқиқотларида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда *тармоқлараро бошқарув* ва *ҳолатга мос комплекс ёндашув* тамойилларини илгари суради. Унинг фикрига кўра, йўл ҳаракати хавфсизлиги – бу *полиция, шаҳарсозлик, соғлиқни сақлаш, таълим ва жамоатчиликнинг ўзаро ҳамкорлигида амалга ошириладиган тизимли вазифадир*<sup>15</sup>. Шунингдек Р. Elvik, ўзининг *Forgiving Road System*<sup>16</sup> (*ҳимояланган тизим*) назариясида “йўлларни инсон хатосини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаш кераклигини таъкидлайди. Унга кўра, кўпгина йўл-транспорт ҳодисалари инсон хатоси сабаб содир бўлади ва шундай шароит яратиш керакки, ҳатто хатога йўл кўйилганда ҳам ҳалокатли оқибатлар юзага келмасин” дейди. D. Wegman фикрига кўра, йўл ҳаракати хавфсизлиги фақат транспорт масаласи эмас, балки инсон ҳуқуқлари ва жамоат саломатлиги масаласидир дейди<sup>17</sup>. Шунингдек у, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда *полиция, шаҳарсозлик, таълим, соғлиқни сақлаш* ва *нодавлат ташкилотлар* ўртасидаги ҳамкорликни мувофиқлаштирилган бошқарув тизими сифатида қараб, уни ҳал қилувчи механизм сифатида кўрсатади<sup>18</sup>. Бундан ташқари, муаллиф таълим муассасалари, маҳаллалар ва фуқаролик жамиятининг йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича хабардорлигини оширишда ишончли статистика, инфографика ва очиқ маълумотлардан фойдаланиш зарурлигини таъкидлайди.

*Handbook of Road Safety Measures* (2nd ed.). Elsevier. ISBN: 9780080449484  
<https://www.elsevier.com/books/-the-handbook-of-road-safety-measures/elvik/978-0-08-044948-4>

<sup>12</sup>Маълумот учун, D. Wegman АҚШнинг жамоат саломатлиги ва меҳнат хавфсизлиги соҳасидаги таниқли олимларидан бири бўлиб, йўл ҳаракати хавфсизлигига ҳамда инсон саломатлигига таъсир этувчи омилларни илмий асосда ўрганган. Унинг тадқиқотлари, хусусан “Vision Zero” концепциясини амалга оширишдаги *идоралараро ҳамкорлик, жамоатчилик иштироки ва қонунчилик ислохотларининг* ўрнини ёритишга қаратилган // *Implementing Vision Zero in the United States: Challenges and Opportunities*. Harvard T.H. Chan School of Public Health, Transportation Health Program. <https://www.hsph.harvard.edu/transportation/vision-zero-report/>

<sup>13</sup>Маълумот учун, Y. Hayashi ёш ҳайдовчиларнинг хатарли ҳаракатларини, хусусан, ҳайдаш вақтида телефондан фойдаланиш (TWD — texting while driving) каби ҳолатларни ўрганишга ихтисослашган олимдир. Унинг тадқиқотлари ҳайдовчиларнинг хулқ-атвори ва когнитив (*когнитив - бу инсон миясининг ўйлаш, тушуниш, эслаш ва ўрганиш билан боғлиқ қобилиятидир*) хусусиятларини таҳлил қилишга қаратилган бўлиб, йўл ҳаракати хавфсизлигини ошириш бўйича самарали стратегияларни ишлаб чиқишга ёрдам беради.

<sup>14</sup> Маълумот учун, Klaus Machata Австриялик йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича таниқли олим бўлиб, у Европадаги йўл-транспорт ҳодисаларининг таҳлили, хавфсизлик сиёсати ва маданий омилларнинг йўл ҳаракатига таъсири юзасидан қатор муҳим тадқиқотлар олиб борган // Schlembach, C., Machata, K., Alexopoulou, G. (2016). A Cultural Approach to Traffic Safety: TraSaCu Final Report. Department of Sociology.

<sup>15</sup> Rune Elvik, *Road Safety Management: Systemic Approach*, TØI Report, 2010

<sup>16</sup> Rune Elvik, *The Handbook of Road Safety Measures*, Elsevier, 2009

<sup>17</sup> Wegman D. *Implementing Vision Zero in the United States*, Harvard School of Public Health, 2015

<sup>18</sup> Wegman D. *Safe Systems Approach and Public Policy*, Journal of Public Health Policy, 2016

Унингча, аҳолини фаол иштирокчига айлантириш барқарор хавфсизликни таъминлашнинг устувор омилидир деган ғоя тарафдори<sup>19</sup>.

**Y. Hayashi ўзининг йўл-транспорт ҳодисалари соҳасидаги илмий-назарий қарашларини “ҳайдовчиларни кластерлаш орқали”, “импульсивлик ва хатарли ҳайдаш хатти-ҳаракатлари” ва “интервенция стратегиялари ва таълимий ёндашувлар” каби йўналишларда таҳлил қилган. Хусусан:**

а) *ҳайдовчиларни кластерлаш орқали таҳлил қилиш* – мазкур тадқиқотда у ёш ҳайдовчиларни TWD (*ҳайдаш вақтида мобил қурилмада матнли хабар алмашиш билан шуғулланиш*) хавфини қандай қабул қилишлари ва бу ҳаракатни қанчалик тез-тез амалга оширишларига қараб турли гуруҳларга ажратди. Шунингдек, у TWD хавфли деб ҳисоблаб, шунга қарамасдан, буни тез-тез амалга оширадиган ҳайдовчиларда юқори даражадаги импульсивлик мавжудлигини аниқладилар. Бу натижалар ҳайдовчиларнинг хулқ-атворини яхшироқ тушуниш ва уларга мослаштирилган интервенция стратегияларини ишлаб чиқиш учун муҳимлигини<sup>20</sup>;

б) *импульсивлик ва хатарли ҳайдаш хатти-ҳаракатлари таҳлил қилиш* – мазкур изланиш ҳайдовчиларнинг импульсивлиги ва ижро функциялари (*executive function*) билан боғлиқ бўлиб, транспорт воситасини алкоголь таъсирида ҳайдаш ва тезликни ошириш каби хатарли ҳаракатларнинг когнитив механизмларини ўрганади. Ушбу тадқиқотлар импульсивлик ва стратегик режалаштириш каби ижро функциялари хатарли ҳайдаш хатти-ҳаракатларига қандай таъсир қилишини<sup>21</sup>;

в) *интервенция стратегиялари ва таълимий ёндашувларни таҳлил қилиш* – мазкур изланиш давомида Hayashi хатарли ҳайдаш хатти-ҳаракатларини камайтириш учун мослаштирилган интервенция стратегияларини таклиф қилади. Унингча, импульсив ҳайдовчилар учун импульс назоратини кучайтиришга қаратилган таълимий дастурлар самарали бўлиши мумкин. Шунингдек, видеотаълим ва таҳдидга асосланган интервенциялар ҳайдовчиларнинг хатарли хатти-ҳаракатларини камайтиришда фойдали бўлишини таъкидлайди<sup>22</sup>.

Klaus Machata ўзининг йўл-транспорт ҳодисалари соҳасидаги қатор ҳодисаларни ўзининг илмий-назарий қарашлари асосида таҳлил қилган<sup>23</sup>. Хусусан:

а) Европа давлатларида йўл ҳаракати хавфсизлиги тизимларини таҳлили Machata Европанинг 28 мамлакатидagi йўл-транспорт ҳодисаларининг 10 йиллик маълумотларини таҳлил қилиб, *йўл тури, транспорт воситаси, мавсум, ҳайдовчи ёши ва жинси* каби омилларнинг ҳодисаларга таъсирини ўрганган. Бу таҳлиллар Европа йўл тармоғида хавфсизликни ошириш бўйича қарор қабул қилувчиларга муҳим маълумотлар тақдим этган;

<sup>19</sup> Wegman, F. *The Advanced Road Safety Paradigm: Vision Zero and Safe Systems in Practice*. Transportation Research Procedia, Volume 25, Pages 4-10 // <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S2352146517306204>

<sup>20</sup> Hayashi et al., 2023 PMC+1ScienceDirect+1

<sup>21</sup> Hayashi et al., 2018 PMC

<sup>22</sup> Hayashi, Y., Russo, C. T., & Wirth, O. (2023). A hierarchical cluster analysis of young drivers based on their perceived risk and frequency of texting while driving. *Accident Analysis & Prevention*, 180, 106000 // <https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S0022437523000452>

<sup>23</sup> [https://ucrisportal.univie.ac.at/en/publications/a-cultural-approach-to-traffic-safety-trasa-cu-final-report/?utm\\_source](https://ucrisportal.univie.ac.at/en/publications/a-cultural-approach-to-traffic-safety-trasa-cu-final-report/?utm_source)

б) “Cultural Approach to Traffic Safety” (TraSaCu) лойиҳаси – йўл ҳаракати хавфсизлигига маданий омилларнинг таъсирини ўрганган. Унинг тадқиқотлари ҳайдовчиларнинг хулқ-атвори, миллий маданият ва йўл ҳаракати қоидаларига муносабат каби омилларнинг йўл-транспорт ҳодисаларига таъсирини кўрсатган;

в) “Safety Cube” лойиҳаси ва қарор қабул қилишни қўллаб-қувватлаш тизими – бунда йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича қарор қабул қилишни қўллаб-қувватлаш тизимини ишлаб чиқишда фаол қатнашган. Бу тизим йўл-транспорт ҳодисаларининг сабаблари ва уларни камайтириш бўйича самарали чора-тадбирларни аниқлашга ёрдам беради.

Юқорида баён этилган илмий-назарий қарашлардан келиб чиқиб, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида фақат техник ва ҳуқуқий чоралар билан чекланиб қолмасдан, инсон хулқ-атвори, жамиятдаги ҳуқуқий маданият даражаси, идоралараро мувофиқлик ҳамда маълумотларга асосланган таҳлиллар тизимли равишда инobatга олиниши лозимлиги аён бўлмоқда. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда мазкур илмий ёндашувларни миллий қонунчилик ва амалиётга имплементация қилиш орқали йўл ҳаракати хавфсизлиги стратегиясини янада самарали ташкил этишга эришиш мумкин. Бундан ташқари, мазкур йўналишдаги илмий асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш, миллий қонунчилик базасини такомиллаштириш, шунингдек, ҳуқуқий-ташкилий чора-тадбирларни илғор халқаро стандартлар ва ривожланган давлатларнинг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ижобий тажрибаси асосида бойитиш долзарб аҳамият касб этади.

Бугунги кунда глобал миқёсда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш масаласи жамиятнинг барқарор ривожланиши ва аҳоли турмуш даражасини яхшилашда стратегик аҳамият касб этмоқда. Шу нуқтаи назардан, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD) ҳузуридаги “International Transport Forum”<sup>24</sup> (ITF) ҳамда Европа Иттифоқи<sup>25</sup> (European Union – EU) каби нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан эълон қилинган сўнгги маълумотлар

2024 йилдаги йўл-транспорт ҳалокатлари билан боғлиқ вазиятнинг илмий таҳлилинини тақдим этмоқда.

Хусусан, ITF ва EU ҳисоботларига<sup>26</sup> кўра, 2024 йилда айрим давлатларда йўл-транспорт ҳодисалари оқибатидаги ўлим ҳолатлари 100.000 нафар аҳолига нисбатан жуда юқори даражада қайд этилган. Жумладан, **Қозоғистонда** ушбу кўрсаткич 130 нафарни, **Грузияда** 129 нафарни, **Қирғизистонда** 118 нафарни, **Арманистонда** 115 нафарни, **АҚШда** эса 110 нафарни ташкил этган. Бу мамлакатлардаги ўлим кўрсаткичларининг юқори бўлиши транспорт тизимларининг самарасизлиги, йўл инфратузилмасининг етарли даражада ривожланмаганлиги, ҳуқуқбузарликлар учун жазо муқаррарлиги даражасининг пастлиги ҳамда профилактик тадбирларнинг самарасизлиги билан изоҳланиши мумкин.

Бунга қарши тарзда (аксинча), йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича узоқ йиллик тизимли ислоҳотлар ва давлат сиёсатининг самарали амалга оширилиши натижасида **Швеция** (ҳар 100.000 нафар аҳолига 20 ўлим), **Дания** (24), **Норвегия** (20),

<sup>24</sup> *Изоҳ:* “International Transport Forum” халқаро ташкилоти жаҳон мамлакатлари ўртасида транспорт сиёсати бўйича мулоқот, таҳлил ва ҳамкорликни таъминлаш, хавфсиз, барқарор ва самарали транспорт тизимини ривожлантиришга кўмаклашишдан иборат бўлиб, мазкур ташкилотга бугунги кунда АҚШ, Япония, Германия, Франция, Буюк Британия, Жанубий Корея, Австралия каби жами 60 та давлат аъзодир

<sup>25</sup> *Изоҳ:* “Европа Иттифоқи” (EU) халқаро ташкилоти 27 давлатдан иборат иқтисодий ва сиёсий ҳамжамият бўлиб, унинг асосий мақсади Европа қитъасида тинчлик, фаровонлик ва интеграциялашган сиёсатни таъминлашдан иборат.

<sup>26</sup> <https://global-relocate.com/ru/rankings/security-of-countries>

**Швейцария** (22) ва **Исландия** (17) каби давлатларда ўлим даражаси жаҳон миқёсида энг паст кўрсаткичларни ташкил этган. Ушбу давлатларда йўл-транспорт ҳодисаларининг камайишига таъсир этувчи асосий омиллар сифатида “*Vision Zero*” концепциясининг амалий жорий этилиши, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳаракат маданиятини оширишга қаратилган кенг қамровли таълим-тарғибот ишлари, йўл инфратузилмасининг хавфсизлик талабларига мос равишда модернизация қилиниши, шунингдек, ҳуқуқбузарликларни аниқловчи интеллектуал назорат воситаларининг кенг қўлланилиши қайд этилади. Бу эса Европа ва Скандинавия мамлакатлари тажрибасини юқори самарадорликка эга транспорт сиёсати намунаси сифатида кўрсатишга асос бўлади.

Шунингдек, бир қатор Европа мамлакатларида йўл ҳаракати билан боғлиқ ўлим ҳолатлари анча паст даражада бўлган. Масалан, **Швеция** ва **Норвегия**да бу кўрсаткич ҳар 100.000 нафар аҳолига нисбатан 20 нафарни, **Дания**да 24 нафарни, **Швейцария**да 22 нафарни, **Исландия**да эса 17 нафарни ташкил этган. Бундай ижобий натижалар мазкур мамлакатларда “*Vision Zero*” каби миллий стратегияларнинг қабул қилиниши, *тизимли назорат механизми, таълим ва тарғибот ишларининг самарали йўлга қўйилиши ҳамда йўл инфратузилмасининг хавфсизликка йўналтирилган реконструкцияси орқали таъминланмоқда.*

Европа Иттифоқининг 2024 йил якунлари бўйича эълон қилган ҳисоботида<sup>27</sup> ЕИ мамлакатларида ўртача ўлим даражаси бир миллион аҳолига

44 нафарга тўғри келиши қайд этилган. *Энг юқори кўрсаткич Румыния* (77) ва **Болгария** (74) давлатларида, *энг паст кўрсаткич эса Швеция* (20) ва **Дания** (24)да кузатилган. Қизиқарлиси шундаки, 2024 йилда Европа Иттифоқи бўйлаб йўл-транспорт ҳалокатларидаги ўлим даражаси 2023 йилга нисбатан ўртача 3% камайган бўлиб, бу ЕИда амалга оширилган комплекс ислохотлар, жумладан, *интеллектуал транспорт тизимлари жорий қилиниши, камера орқали назоратнинг кучайтирилиши ва юридик жавобгарликнинг оғирлаштирилиши натижасидир.*

Шу ўринда, бугунги кунда янги Ўзбекистонда айнан йўл-транспорт ҳодисаларини олдини олиш мақсадида амалга оширилаётган ислохотларга ҳалқаро ташкилотлар томонидан қандай баҳоланмоқда? деган ўринли савол юзага келмоқда.

“*Ceoworld Magazine*”<sup>28</sup> халқаро тадқиқотлар нашри томонидан йўл-транспорт ҳодисаларига таъсир этувчи омиллар — жумладан, транспорт воситаларининг техник ҳолати, ҳайдовчилар ва пиёдаларнинг ҳаракат маданияти, ҳайвонлар иштирокидаги ҳолатлар, қозғалмас объектлар билан тўқнашувлар, автомашиналарнинг ўз вақтида техник кўрикдан ўтказилмаслиги, ҳайдовчининг етарлича эътибор бермаслиги, чарчоқ ҳолати ва об-ҳаво шароитлари каби комплекс мезонлар асосида олиб борилган таҳлилий ўрганиш натижаларига кўра, 51 та давлат орасида Ўзбекистон 26-ўринни эгаллаган<sup>29</sup>.

Бу натижалар мамлакатда йўл ҳаракати хавфсизлигига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш, уларни илмий асосланган ҳолда бартараф этиш бўйича комплекс чоратадбирларни ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатади. Мазкур чора тадбирларни ишлаб

<sup>27</sup> EU road fatalities drop by 3% in 2024, but progress remains slow // [https://transport.ec.europa.eu/news-events/news/eu-road-fatalities-drop-3-2024-progress-remains-slow-2025-03-18\\_en?utm\\_source](https://transport.ec.europa.eu/news-events/news/eu-road-fatalities-drop-3-2024-progress-remains-slow-2025-03-18_en?utm_source)

<sup>28</sup> “*Ceoworld Magazine*” илмий-таҳлилий хусусиятга эга бўлган бизнес ва раҳбариятга ихтисослашган мустақил нашр бўлиб, дунёдаги юқори даражадаги раҳбарлар, топ-менежерлар, тадбиркорлар ва сармоядорлар учун сифатли, таҳлилий ва стратегик ахборот тақдим этишдир // <https://ceoworld.biz/2024/01/18/revealed-these-are-the-countries-with-the-most-car-accidents-2024/>

<sup>29</sup> <https://global-relocate.com/ru/rankings/security-of-countries>

чиқиш учун эса ўз навбатида Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD) хузуридаги “International Transport Forum”<sup>30</sup> (ITF) ва Европа Иттифоқи<sup>31</sup> (European Union – EU) каби нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан 2024 йилда йўл-транспорт ҳодисалари билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар кўрсаткичлари паст бўлган **Швеция** (ҳар 100.000 нафар аҳолига 20 ўлим), **Дания** (24), **Норвегия** (20), **Швейцария** (22) ва **Исландия** (17) каби мамлакатларнинг ижобий тажрибаларини (амалга ошириш меҳназмини) илмий жиҳатдан ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Хусусан:

**Мазкур давлатларнинг тажрибасини қуйидаги йўналишларда ўрганиш мақсадга мувофиқдир:**

*биринчи йўналиш* – “**Vision Zero**” миллий стратегияларининг мазмуни ва амалга ошириш механизмлари: Бу концепция Швецияда илк бор жорий этилган бўлиб, йўлларда инсон ҳаётини энг устувор қадрият сифатида эътироф этишга асосланган. Стратегияда ҳар қандай йўл инфратузилмаси, қонунчилик ва назорат тизими инсон хатоси эҳтимолини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилади;

*иккинчи йўналиш* – **интеллектуал транспорт тизимлари (ITS) ва real-time назорат технологиялари**: Йўл ҳаракатини видеокузатув ва рақамли сенсорлар ёрдамида назорат қилиш, қоидабузарликларни аниқлаш ва тезкор жавоб қайтариш жараёнлари юқори даражада автоматлаштирилган;

*учинчи йўналиш* – **йўл инфратузилмасининг хавфсизликка йўналтирилган реконструкцияси**: тўғри ёндашувда йўллар шакллантирилиб, пиёдалар ўтиш жойлари, велоюллар, светофор тизимлари ва ёруғлик сигнализацияси каби воситалар орқали хавфсизлик таъминланади;

*тўртинчи йўналиш* – **ҳайдовчилар ва пиёдалар учун ҳуқуқий маданият ва ҳаракат одоб-ахлоқини оширишга қаратилган таълим-тарғибот ишлари**: мактабдан тортиб то ҳайдовчилик курсларигача бўлган барча босқичларда ҳаракат хавфсизлигига оид ўқув дастурлари жорий этилган.

*бешинчи йўналиш* – **қонунчиликда жазо муқаррарлиги принципи ва моддий жавобгарлик тизимининг такомиллашганлиги**: йўл ҳаракати қоидаларини бузганлар учун юқори жарималар, балл тизими, ҳайдовчилик гувоҳномасини вақтинча ёки доимий бекор қилиш чоралари мавжуд.

**Биринчи йўналиш (“Vision Zero” миллий стратегияларининг мазмуни ва амалга ошириш механизмлари) бўйича:**

**Швеция давлатида** 1997 йил “Vision Zero” стратегияси қабул қилинган бўлиб, мазкур стратегия инсон ҳаётини энг устувор қадрият сифатида эътироф этади. Бу ёндашувга кўра, йўл ҳаракати тизими инсон хатоларини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилиши лозим. Швецияда бу стратегия йўл инфратузилмасини қайта кўриб чиқиш, тезликни назорат қилиш ва хавфсизликни оширишга қаратилган чора-тадбирларни ўз ичига олади<sup>32</sup>.

<sup>30</sup> *Изоҳ*: “International Transport Forum” халқаро ташкилоти жаҳон мамлакатлари ўртасида транспорт сиёсати бўйича мулоқот, таҳлил ва ҳамкорликни таъминлаш, хавфсиз, барқарор ва самарали транспорт тизимини ривожлантиришга кўмаклашишдан иборат бўлиб, мазкур ташкилотга бугунги кунда АҚШ, Япония, Германия, Франция, Буюк Британия, Жанубий Корея, Австралия каби жами 60 та давлат аъзодир

<sup>31</sup> *Изоҳ*: “Европа Иттифоқи” (EU) халқаро ташкилоти 27 давлатдан иборат иқтисодий ва сиёсий ҳамжамият бўлиб, унинг асосий мақсади Европа қитъасида тинчлик, фаровонлик ва интеграциялашган сиёсатни таъминлашдан иборат.

<sup>32</sup> <https://blog.ptvgroup.com/en/trend-topics/improving-road-safety-to-achieve-vision-zero/>

**Дания давлатида** “*Vision Zero*” стратегияси 2021 йилда қабул қилинган бўлиб, мазкур стратегия 2021–2030 йилларда мамлакатда йўл ҳаракат хавфсизлиги билан боғлиқ вазифаларни ўзида мужассам этган. Бу режа йўл ҳаракатида ҳалок бўлиш ва жиддий жароҳатланиш ҳолатларини камайтиришга қаратилган бўлиб, инфратузилмани яхшилаш, таълим ва қонунчиликни кучайтиришни ўз ичига олади<sup>33</sup>.

**Норвегия давлатида** “*Vision Zero*” стратегияси асосида 2050 йилгача йўл-транспорт ҳодисаларида ҳалок бўлиш ҳолатларини нолга тушириш режалаштирилган. Шунингдек, 2022–2025 йилларга мўлжалланган ҳаракат хавфсизлиги режасида 179 та аниқ чора-тадбир белгиланган бўлиб, улар *тезликни назорат қилиш, маст ҳолда ҳайдашга қарши курашиш ва инфратузилмани яхшилашни* кабиларни ўз ичига олади<sup>34</sup>.

